



АСФИКСИЯНИНГ ОҒИР ДАРАЖАСИДА ЎЛИМ САБАБЛАРИНИ АНИКЛАШ

Алиева.П.Р., Салоева.З.Ш.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Муаммонинг долзарблиги: Асфиксиянинг оғир даражаси неонатологиянинг энг долзарб муоммоларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда дунё миқёсида ва Ўзбекистонда янги туғилган чақалоқлар ўлими орасида асфиксия юқори ўринни эгаллайди. Хар йли бутун дунёда 6 миллионга яқин янги туғилган чақалоқлар ўлими юз беради ва уларнинг 20% асфиксиядан ўладилр (Шабалов.Н.П,2007). Чақалоқларда асфиксия асоратлари ривожланишининг юқори хавф омиллари (экстрагенитал - нафас йўллари ўткир инфекцияси 80%; камқонлик 63%; хомиладорлар гипертензияси 34% ва интранатал - хомила стресси 80%; туғруқ харакатларининг бузилиши 60%; йўлдошнинг вақтидан олдин кўчиши 53%; киндик ўралиши 47%; сувсизлик 30%) аниқланган.

Мақсади: Янги туғилга чақалоқлар асфиксиясининг оғир даражасидан ўлим сабабларини ўрганиб чиқиб, тахлил кишиш.

Материаллар ва услублар: 30 та асфиксиянинг оғир даражасидан ўлган чақалоқларнинг касаллик тарихи Вилоят перинатол маркази чақалоқларнинг жонлантириш бўлимида ўрганилган.

Натижалар: Акушерлик анамнези ва хомиладорликни кечиши текширилганда 73,6% оналар тез-тез хомиладор бўлганлар, улардан 79% TORCH ва сурункали сийдик-таносил инфекцияси сабабли бола ташлаш холлари кузатилган. 29% туғилган чақалоқлар кесар-кесиш усулида туғдирилган, 57,8% холларда вагинал туғруқлар асорати кузатилган.

Янги туғилган чақалоқларнинг 39%да хомила ичи ривожланиши орқада қолишининг диспластик варианты кузатилган. Сурункали хомила ичи



гипоксияси 88,4%, ривожланишниг туғма нуқсонлари 33%гача, оғирлиги кам бўлган чақалоқлар 25%ни ташкил қилади.

Хулоса: Шундай қилиб, янги туғилган чақалоқларда TORCH ва сурункали сийдик- таносил инфекциялари, интранатал давр асоратлари, хомила ичи ривожланиши орқада колишининг диспластик варианты, ривожланишининг туғма нуқсонлари асфиксиянинг оғир даражасида ўлим хавфини оширади.

